

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**42-сон**  
**(230)**  
**2006 й.**  
**октябрь**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

416. «Ҳакамлик судлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрдаги ўРҚ-64-сон Қонуни

*Учинчи бўлим*

417. «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори

418. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 октябрдаги 217-сон қарори

## Бешинчи бўлим

419. «Корхона (объект)ларни сотишдан олдин тайёрлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 27 сентябрдаги 01/23-18/03-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 октябрда 1628-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
420. «Патент эгасининг очик лицензияга доир ҳуқуқни такдим этиш тўғрисидаги аризасини топшириш ва кўриб чиқиш ҳамда бундай ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2006 йил 21 сентябрдаги 56-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 октябрда 1629-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
421. «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурдаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 23 августдаги 2006-06-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 октябрда 660-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 422. «Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2006 йил 16 августдаги 257-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 октябрда 1630-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*) +
423. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари — ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиши учун лавозим, касблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2006 йил 4 октябрдаги 117, 12, 37/ҚҚ-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 октябрда 1631-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 14 октябрдан 20 октябргача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**416 Ҳакамлик судлари тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 8 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ваколатли суд** — Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига белгиланган судловга тегишлиликка мувофиқ хўжалик суди ёки фуқаролик ишлари бўйича суд;

**доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари** — доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг низоми ва регламенти;

**доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг низоми** — ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжат бўлиб, у доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳуқуқий мақомини, ташкил этилишини, фаолиятини тартибга солиди, шунингдек унинг мазкур ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс ҳамда бошқа юридик шахслар билан ўзаро муносабатларини белгилайди;

**доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг регламенти** — ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланадиган, ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини қамраб олган локал ҳужжат;

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 17 октябрда эълон қилинган.

**ҳакамлик битими** — тарафларнинг низони ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги келишуви;

**ҳакамлик битими тарафлари** — ҳакамлик битими тузган юридик ва жисмоний шахслар;

**ҳакамлик муҳокамаси** — низони ҳакамлик судида ҳал этиш жараёни;

**ҳакамлик муҳокамаси тарафлари** — ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳакамлик судига даъво тақдим этган юридик ва жисмоний шахслар (даъвогарлар), шунингдек ўзига нисбатан даъво тақдим этилган шахслар (жавобгарлар);

**ҳакамлик муҳокамаси қоидалари** — ҳакамлик судида низони ҳал этишни тартибга солувчи, ҳакамлик судига мурожаат қилиш, ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) қоидаларини ва ҳакамлик муҳокамаси тартиб-таомилини ўз ичига олувчи нормалар;

**ҳакамлик суди (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик суди)** — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи ҳўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат орган;

**ҳакамлик судьяси** — ҳакамлик судида низони ҳал этиш учун ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланган ёки белгиланган тартибда тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

#### **4-модда. Ҳакамлик судлари фаолиятининг асосий принциплари**

Ҳакамлик судларининг фаолияти конунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги асосида амалга оширилади.

#### **5-модда. Ҳакамлик судларини ташкил этиш**

Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари ташкил этилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас.

Ҳакамлик судлари юридик шахс бўлмайди.

#### **6-модда. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди**

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини ва ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаганида ташкил этилган деб ҳисобланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига юборади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ўз номи ёзилган бланка ва юмалоқ муҳрга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоб варақлари, валюта ҳисобварақларига ҳамда бошқа банк ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди фаолиятини тугатиш тартиби доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари билан белгиланади.

**7-модда. Муваққат ҳакамлик суди**

Муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан муайян низони ҳал этиш учун улар томонидан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилганидан кейин муваққат ҳакамлик суди ўз фаолиятини тугатади. Ҳакамлик судида раислик қилувчи (низо ҳайъатда кўриб чиқиладиганда) ёхуд ҳакамлик судьяси (низо якка тартибда кўриб чиқиладиганда) ҳакамлик битими нусхасини ва муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги хабарномани мазкур суд жойлашган ердаги адлия органига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунига қадар юборади.

Муваққат ҳакамлик судини ташкил этиш тартиби ҳакамлик битими тарафлари томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

**8-модда. Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тегишли ҳудудларда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказишни ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга оширадilar.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш, муваққат ҳакамлик судларини ташкил этиш тўғрисидаги, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тизимлаштирилади ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами»да эълон қилинади.

Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

**2-боб. Ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолар.  
Ҳакамлик битими****9-модда. Ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолар**

Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

**10-модда. Низолар ҳал этиладиганда ва ҳал қилув қарорлари қабул қилинадиганда ҳакамлик суди томонидан қўлланиладиган нормалар**

Ҳакамлик суди низоларни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилади.

Ҳакамлик суди шартнома шартларига мувофиқ ва иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Агар ҳакамлик битими тарафларининг муносабатлари қонун ҳужжатлари ёки ҳакамлик битими тарафларининг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлса ва бу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган иш муомаласи одати мавжуд бўлмаса, ҳакамлик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини қўллайди (қонун ўхшашлиги), мазкур ҳолларда

қонун ўхшашлигидан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда эса ҳакамлик битими тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларининг мазмунидан (ҳуқуқ ўхшашлиги) ҳамда ҳалоллик, оқиллик ва адолат талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

#### **11-модда. Низони ҳакамлик судининг ҳал қилувиغا топшириш**

Ҳакамлик битими мавжуд бўлган тақдирда, низо ҳакамлик судининг ҳал қилувиغا топширилиши мумкин.

Ваколатли суднинг ҳал қилувида бўлган низога оид ҳакамлик битими ваколатли суд низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар тузилиши мумкин.

#### **12-модда. Ҳакамлик битимининг шакли**

Ҳакамлик битими ёзма шаклда тузилади. Ҳакамлик битими шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шarti ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Ҳакамлик битими, агар у ҳакамлик битими тарафлари томонидан имзоланган ҳужжатда ифодаланган бўлса ёки бундай битимни қайд этишни таъминловчи электрон ёхуд бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда хатлар ёки хабарлар алмашиш йўли билан тузилган бўлса, ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

#### **13-модда. Ҳакамлик битимининг мазмуни**

Ҳакамлик битимида ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судида кўриб чиқирилиши кераклиги ҳақидаги қоида, шунингдек агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувиغا топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши лозим.

Ҳакамлик битимида ҳакамлик судьяларининг сони, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил, ҳакамлик муҳокамасининг қўлланиладиган қоидалари, низо ни кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, ҳакамлик битими ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

### **3-боб. Ҳакамлик судьялари. Ҳакамлик судининг таркиби**

#### **14-модда. Ҳакамлик судьясига қўйиладиган талаблар**

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низоининг холис ҳал қилинишини таъминлашга қодир бўлган, низоининг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин.

Низони яқка тартибда ҳал қилувчи ҳакамлик судьяси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Низо ҳайъатда ҳал қилинаётганда ҳакамлик суди таркибининг раиси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак.

Ҳакамлик судьясининг малакасига қўйиладиган талаблар ҳакамлик битими тарафлари ўртасида бевосита келишиб олиниши ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари билан белгиланиши мумкин.

Қуйидагилар ҳакамлик судьяси бўлиши мумкин эмас:

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати қонунда белгиланган тартибда тугатилган шахс;

қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс.

### **15-модда. Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш**

Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш ҳакамлик судьяларини (ҳакамлик судьясини) сайлаш (тайинлаш) орқали амалга оширилади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари мазкур ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган судьялар орасидан сайланади (тайинланади). Агар ҳакамлик битими тарафи ҳакамлик битими бошқа тарафининг ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайлаш ҳақидаги илтимосини олган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайламаса ёки ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик судьясини танлаш тўғрисида келиша олмасалар (низо ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқиладиганда) ёхуд агар ҳакамлик судьялари раислик қилувчи ҳакамлик судьясини тайинлаш тўғрисида ўзлари сайланган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида келиша олмасалар, уларни тайинлаш доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг раиси томонидан ҳакамлик битими тарафларидан бирининг илтимосига биноан ўн кун муддатда амалга оширилади.

Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланади. Агар ҳакамлик битими тарафи ҳакамлик битими бошқа тарафининг ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайлаш ҳақидаги илтимосини олган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайламаса ёки ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик судьясини танлаш тўғрисида келиша олмасалар (низо ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқиладиганда) ёхуд агар ҳакамлик судьялари раислик қилувчи ҳакамлик судьясини тайинлаш тўғрисида ўзлари сайланган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида келиша олмасалар, низо ҳал қилиш учун ваколатли судга топширилади. Бунда ҳакамлик битимининг амал қилиши тугатилади.

Ҳакамлик судьяларининг сони тоқ бўлиши керак.

Ҳакамлик битими тарафлари ушбу модданинг қоидаларига риоя этган ҳолда ҳакамлик судьяларининг сонини ўз хоҳишларига кўра белгилашлари, ҳакамлик суди таркибини шакллантириш тартибини келишиб олишлари мумкин. Агар ҳакамлик битими тарафлари ҳакамлик судьяларининг сонини белгиламаса, ҳакамлик судининг таркиби уч нафар ҳакамлик судьясидан шакллантирилади.

Ҳакамлик муҳокамаси ҳакамлик судининг ҳайъат таркиби томонидан ўтказилаётганда ҳакамлик битимининг ҳар бир тарафи ҳакамлик судьяларини тенг миқдорда сайлайди ва шундай тарзда сайланган ҳакамлик судьялари бошқа ҳакамлик судьясини — раислик қилувчини тайинлайди.

**16-модда. Ҳакамлик судьясини рад қилиш**

Ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган ҳолларда, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин.

Ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкинлиги муносабати билан мурожаат этилган шахс ҳакамлик битими тарафларига ўзининг рад қилиниши учун асос бўлувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақида маълум қилиши керак. Агар кўрсатилган ҳолатлар ҳакамлик муҳокамаси вақтида юзага келган бўлса, ҳакамлик судьяси бу ҳақда дарҳол ҳакамлик муҳокамаси тарафларига маълум қилиши ва ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза бериши керак.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари сайланган (тайинланган) ҳакамлик судьясининг рад қилиниши учун асос бўлувчи ҳолатлар рад қилинаётган ҳакамлик судьяси сайланганидан (тайинланганидан) кейин ўзларига маълум бўлиб қолган тақдирдагина уни рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин.

**17-модда. Ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиби**

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиб-таомили доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларида белгиланиши мумкин.

Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиб-таомили ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишиб олинishi мумкин.

Агар ҳакамлик судьясини рад қилиш тартиб-таомили доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларида белгиланмаган бўлса ёки ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишиб олинмаган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақидаги ёзма аризани рад қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда ҳакамлик суди таркибига бериши керак.

Рад қилиниши талаб этилаётган ҳакамлик судьяси рад қилиш ҳақидаги масала кўриб чиқилгунига қадар ўз тушунтиришларини беришга ҳақли.

Агар рад қилиниши талаб этилаётган ҳакамлик судьяси ўзини ўзи рад қилмаса ёки ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафи ҳакамлик судьясини рад қилишга рози бўлмаса, ҳакамлик судьясини рад қилиш ҳақидаги масала ҳакамлик суди таркибига кирувчи бошқа ҳакамлик судьялари томонидан ҳал этилади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, ҳакамлик судьяси рад қилинган ҳисобланади. Ҳакамлик судининг бутун таркибини рад қилиш ҳақидаги масалалар шу ҳакамлик суди таркиби томонидан оддий кўпчилик овоз билан, низони якка тартибда кўрадиган ҳакамлик судьясини рад қилиш тўғрисидаги масалалар эса шу ҳакамлик судьясининг ўзи томонидан ҳал этилади.

**18-модда. Ҳакамлик судьясининг ваколатларини тугатиш**

Ҳакамлик судьясининг ваколатлари ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг келишувига биноан, ушбу Қонуннинг 14, 16 ва 17-моддаларига мувофиқ ҳакамлик судьясининг ўзини ўзи рад қилиши ёки рад қилиниши муносабати билан, шунингдек ҳакамлик судьяси вафот этган тақдирда тугатилиши мумкин.

Ҳакамлик судьясининг ваколатлари муайян низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин тугатилади. Ушбу Қонуннинг 40, 41 ва 42-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ҳакамлик судьясининг ваколатлари тикланади, кўрсатилган моддаларда назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг тугатилади.

**19-модда. Ҳакамлик судьясини алмаштириш**

Ҳакамлик судьясининг ваколатлари тугатилган тақдирда, бошқа ҳакамлик судьяси алмаштирилаётган ҳакамлик судьяси сайланаётганда (тайинланаётганда) қўлланилган қоидаларга мувофиқ сайланади (тайинланади).

**4-боб. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар****20-модда. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар таркиби**

Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳакамлик судьяларининг гонорари;

ҳакамлик муҳокамасини ташкилий, моддий жиҳатдан ва бошқача тарзда таъминлаш харажатлари;

ҳакамлик судьяларининг ҳакамлик муҳокамасида иштирок этиши билан боғлиқ харажатлари, шу жумладан низони кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун тўланадиган йўл ҳақи харажатлари;

ҳакамлик судьяларининг ёзма ва ашёвий далилларни мазкур далиллар турган жойда кўздан кечириш ҳамда текшириш билан боғлиқ харажатлари;

экспертлар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

гувоҳлар томонидан сарфланган харажатлар;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлардан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф вакилининг хизматлари ҳақини тўлаш харажатлари;

ҳакамлик суди томонидан белгиланадиган бошқа харажатлар.

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган харажатларни қилиши ҳакамлик муҳокамаси қоидаларида белгиланмаган бўлса, бундай харажатлар ҳакамлик суди харажатлари таркибига киритилади.

**21-модда. Ҳакамлик судьялари гонорарининг миқдори**

Ҳакамлик судьялари гонорарининг миқдори давронинг баҳоси, низонинг мураккаблиги, ҳакамлик судьялари ҳакамлик муҳокамаси учун сарфлаган вақт ва гонорар миқдорига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари гонорарининг миқдори ҳакамлик суди таркиби томонидан ҳакамлик судьяларининг доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларида назарда тутилган ҳакамлик судьялари гонорарлари шкаласига мувофиқ, бундай шкала бўлмаган тақдирда эса, ушбу модданинг биринчи қисми талаблари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик судьялари гонорарининг миқдори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари келишуви бўйича ва ушбу модданинг биринчи қисми қоидалари ҳисобга олинган ҳолда ҳакамлик суди томонидан белгиланади.

Ҳакамлик судьясининг гонорарига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинади.

**22-модда. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларни тақсимлаш**

Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасида тақсимлаш ҳакамлик суди томонидан ҳакамлик

муҳокамаси тарафларининг келишувига мувофиқ, бундай келишув бўлмаган тақдирда эса, қаноатлантирилган ва рад этилган талабларга мутаносиб равишда амалга оширилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг вакили хизматларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар, агар қилинган харажатларни қоплаш ҳақидаги талаб ҳакамлик муҳокамаси пайтида билдирилган ва ҳакамлик суди томонидан қаноатлантирилган бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорига мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига юкланиши мумкин.

Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларнинг тақсимланиши ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ёки ажримда кўрсатилади.

**23-модда. Низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларни бўнак тарзида қоплаш**

Ҳакамлик суди низо кўриб чиқилгунига қадар ушбу Қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган харажатларни қоплаш учун муайян суммани бўнак сифатида киритишни даъвогардан талаб қилишга ҳақли. Агар бу тўлов даъво аризаси берилган кундан эътиборан ўн кун ичида амалга оширилмаса, ҳакамлик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

**5-боб. Ҳакамлик муҳокамаси**

**24-модда. Ҳакамлик судининг ваколати**

Ҳакамлик суди ўз ҳал қилувига топширилган низони, шу жумладан ҳакамлик битими йўқлиги ёки ҳақиқий эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири ҳакамлик муҳокамасига қарши эътироз билдирган ҳолларда низони кўриб чиқишга ваколати борлиги ёхуд йўқлиги ҳақидаги масалани мустақил равишда ҳал этади. Шу мақсадда шартнома шарт тарзида расмийлаштирилган ҳакамлик битими шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ бўлмаган битим сифатида кўриб чиқиши керак. Ҳакамлик судининг шартни қамраб олган шартноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ушбу шартнинг қонунга биноан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди.

Низо ҳакамлик суди томонидан мазмунан кўриб чиқилгунига қадар ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судида ўз ҳал қилувига топширилган низони кўриб чиқишга ваколат йўқлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

Агар кўриб чиқиши ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёхуд қонунга ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси предмети бўла олмайдиган масала ҳакамлик муҳокамаси давомида ҳакамлик муҳокамаси предметига айланса, ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик суди ўз ваколатидан четга чиққанлиги ҳақида арз қилишга ҳақли.

Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафининг ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ берилган аризасини кўриб чиқиши шарт. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Агар ҳакамлик суди ўз ваколати ҳақидаги масалани кўриб чиқаётганда низони кўриб чиқишга ҳакамлик судида ваколат йўқлиги тўғрисида ажрим чиқарса, ҳакамлик суди низони мазмунан кўриб чиқиши мумкин эмас.

**25-модда. Ҳакамлик муҳокамаси қоидаларини белгилаш**

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамасининг бошқа қоидалари қўлланилиши тўғрисида шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамасини доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ амалга оширади.

Муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамасини ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилган қоидаларга мувофиқ амалга оширади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилган ҳакамлик муҳокамаси қоидалари ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳакамлик муҳокамасининг ҳакамлик муҳокамаси тарафлари томонидан келишилмаган, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидалари ва ушбу Қонун билан белгиланмаган қисмида ҳакамлик муҳокамаси қоидалари ҳакамлик суди томонидан белгиланади.

**26-модда. Ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой**

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Муваққат ҳакамлик судида ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг келишуви билан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой низо ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ҳакамлик судининг ўзи томонидан белгиланади.

**27-модда. Ҳакамлик муҳокамасининг тили**

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси давлат тилида олиб борилади.

Ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан ҳужжатлар ва бошқа материаллар ҳакамлик муҳокамаси тилига таржима қилинишини талаб этиши мумкин.

Ҳакамлик муҳокамаси тилида бўлмаган ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим қилаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи уларнинг таржима қилинишини таъминлаши керак.

**28-модда. Ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги**

Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

**29-модда. Даъво аризаси**

Даъвогар ўз талабларини ҳакамлик судига ёзма шаклда бериладиган даъво аризасида баён этади. Даъво аризасининг нухаси жавобгарга юборилади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

даъво аризасининг санаси;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлган юридик шахсларнинг номи ва жойлаш-

ган ери (почта манзили), жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;

- даъвогарнинг талаблари;
- даъвогарнинг талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- даъвонинг баҳоси;
- даъво аризасига илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши керак. Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, даъво аризасига ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

### **30-модда. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр**

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини ўз эътирозларини баён этган ҳолда даъвогарга ва ҳакамлик судига тақдим этишга ҳақли. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ҳакамлик муҳокамаси қоидаларида назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда даъвогарга ва ҳакамлик судига тақдим этилади.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Жавобгарнинг вакили томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилинади.

Агар ҳакамлик муҳокамаси қоидаларида даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни тақдим этиш муддати белгиланмаган бўлса, мазкур ёзма фикр ҳакамлик судининг мажлиси бошлангунга қадар тақдим этилади.

— Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамаси давомида ўз даъво талабларини ёки даъвога қарши эътирозларини ўзгартиришга ҳақлидир. +

### **31-модда. Қарши даъво**

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир.

Қарши даъво ва унга эътирозлар тақдим этиш ушбу Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Қарши даъво қуйидаги ҳолларда дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқилиши мумкин:

- 1) қарши даъво дастлабки даъвони ҳисобга олишга қаратилган бўлса;
- 2) қарши даъвонинг қаноатлантирилиши дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса;
- 3) қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низони тезроқ ва тўғрироқ ҳал қилишга олиб келса.

### **32-модда. Даъвони таъминлаш чораларини кўриш**

Агар даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ижросини қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бирининг илтимосига кўра даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Ҳакамлик суди тегишли илтимоснома билан арз қилаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафидан ҳакам-

лик муҳокамасининг бошқа тарафига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаб берилишини талаб қилиши мумкин.

Ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлаш ҳақидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафи томонидан ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги ваколатли судга берилади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани ваколатли суд томонидан кўриб чиқиш ҳамда даъвони таъминлаш ёхуд уни таъминлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқариш Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари ваколатли суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади.

### **33-модда. Далилларни тақдим этиш**

Ҳакамлик муҳокамасининг ҳар бир тарафи ўз даъво талаблари ва даъвога қарши эътирозларининг асоси сифатида кўрсатаётган ҳолатларни исботлаб бериши керак. Ҳакамлик суди, агар у тақдим этилган далилларни етарли эмас деб топса, ҳакамлик муҳокамаси тарафларига қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақли.

### **34-модда. Хужжатларни ва бошқа материалларни юбориш**

Ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири ҳакамлик судига тақдим этадиган барча хужжатларнинг ва бошқа материалларнинг нусхалари, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди томонидан ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига топширилиши керак. Ҳакамлик суди ўз ҳал қилув қарори учун асос қилиб оладиган эксперт хулосалари ҳакамлик суди томонидан ҳакамлик муҳокамаси тарафларига топширилиши керак.

Хужжатлар ва бошқа материаллар, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, уларнинг ўзлари кўрсатган, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бўлган юридик шахснинг охириги маълум бўлган жойлашган ери (почта манзили) ёки жисмоний шахснинг охириги маълум бўлган яшаш жойи бўйича топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан ёхуд кўрсатилган хужжатлар ҳамда материаллар етказиб берилганлиги қайд этилишини назарда тутувчи бошқача усул орқали юборилади. Хужжатлар ва бошқа материаллар улар етказиб берилган кунда қабул қилиб олинган ҳисобланади.

### **35-модда. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик суди мажлисида иштирок этиши**

Ҳакамлик муҳокамасининг ҳар бир тарафига ўз нуқтаи назарини баён этиши ҳамда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши учун тенг имкониятлар берилиши керак.

Ҳакамлик муҳокамаси, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки уларнинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафларига ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида олдиндан хабарнома юборилиши ёки топширилиши лозим. Мазкур хабарнома ҳакамлик суди томонидан ушбу Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган тартибда юборилади ва топширилади.

Агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик суди низони ёпиқ мажлисда кўриб чиқади.

**36-модда. Ҳакамлик суди мажлисининг баённомаси**

Ҳакамлик судида, агар ҳакамлик битими тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, баённома юритилади.

**37-модда. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим этмаганлиги ёки ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик суди мажлисига келмаганлиги оқибатлари**

Ҳужжатлар ва бошқа материалларни тақдим этмаганлик ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ҳамда жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёхуд улар вакилларининг ҳакамлик суди мажлисига келмаганлиги, агар ҳужжатлар ва бошқа материаллар тақдим этилмаганлигининг ёки ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёхуд улар вакилларининг ҳакамлик суди мажлисига келмаганлигининг сабаби ҳакамлик суди томонидан узрсиз деб топилса, ҳакамлик муҳокамасига ва ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинишига монелик қилмайди.

Жавобгарнинг даъвога қарши эътирозлар тақдим этмаганлиги даъвогар талабларининг тан олиниши сифатида қаралмаслиги керак.

**6-боб. Ҳакамлик судининг ҳужжатлари**

**38-модда. Ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши**

Ҳакамлик суди низо ҳолатлари текширилганидан сўнг ҳакамлик суди таркибига кирувчи ҳакамлик судьяларининг кўпчилик овози билан ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг мажлисида эълон қилинади. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисмини эълон қилишга ҳақли. Бундай ҳолда асослантирилган ҳал қилув қарори ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ҳакамлик муҳокамаси тарафларига юборилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Ҳакамлик суди, агар зарур деб топса, ҳал қилув қарори қабул қилишни кечиктиришга ҳамда ҳакамлик муҳокамасини қайтадан бошлашга ҳақли бўлиб, ушбу Қонуннинг 34-моддасида ва 35-моддасининг учинчи қисмида белгиланган тартибда ҳакамлик муҳокамаси тарафларига бу ҳақда хабар берилади.

Агар келишув битими қонун ҳужжатларига зид бўлмаса ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, ҳакамлик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг илтимосномасига биноан келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади. Келишув битимининг мазмуни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида баён қилинади.

**39-модда. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг шакли ва мазмуни**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ёзма шаклда баён этилади ва ҳакамлик суди таркибига кирувчи ҳакамлик судьялари томонидан, шу жумладан алоҳида фикрга эга бўлган ҳакамлик судьяси томонидан имзоланади. Ҳакамлик судьясининг алоҳида фикри ҳакамлик суди ҳал қилув қарорига илова қилинади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қароридида куйидагилар кўрсатилиши керак:

ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

ҳакамлик муҳокамаси ўтказилган жой;

ҳакамлик судининг таркиби;

ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари бўлган юридик шахсларнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари вакилларининг ваколатлари кўрсатилган ҳолда фамилияси, исми, отасининг исми;

ҳакамлик суди ваколатларининг асослари;

даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг эътирозлари, шунингдек уларнинг илтимосномалари;

ҳакамлик суди томонидан аниқланган низо ҳолатлари, ҳакамлик судининг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар, ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳакамлик суди амал қилган нормалар.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арз қилинган ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳакамлик судининг хулосалари бўлиши керак. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар суммаси, мазкур харажатларнинг ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасида тақсимланиши, зарур ҳолларда эса, қабул қилинган ҳал қилув қарорини ижро этиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан сўнг ўн кун ичида ҳакамлик муҳокамасининг ҳар бир тарафига ҳал қилув қарори топширилиши ёки юборилиши керак.

**40-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори**

Тарафлардан бири ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олганидан сўнг, агар ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, ҳакамлик муҳокамаси давомида арз қилинган ва кўриб чиқилган, аммо қабул қилинган ҳал қилув қароридида ўз аксини топмаган даъво талаблари бўйича қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан ўн кун ичида айнан ўша ҳакамлик судига бу ҳақда бошқа тарафни хабардор қилган ҳолда мурожаат этиши мумкин. Низони ҳал қилган ҳакамлик суди таркиби мазкур ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида уни кўриб чиқиши керак.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ушбу Қонуннинг 34-моддаси ва 35-моддасининг учинчи қисми қоидаларига риоя этилган ҳолда ҳакамлик суди мажлисида амалга оширилади.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилинади ёки қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ажрим чиқарилади.

**41-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш**

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олганидан сўнг ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги ариза билан ўн кун

ичида айнан ўша ҳакамлик судига бу ҳақда ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафини хабардор қилган ҳолда мурожаат этишга ҳақли. Низони ҳал қилган ҳакамлик суди таркиби ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида уни кўриб чиқиши керак.

Ҳакамлик суди ўзи қабул қилган ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга ҳақли. Тегишли аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

#### **42-модда. Ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш**

Низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилган ҳакамлик суди ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг аризасига кўра тузатишга ҳақли. Ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги аризани низони ҳал қилган ҳакамлик суди таркиби ариза олинган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқиши керак.

Тегишли аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг таркибий қисми бўлган ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

#### **43-модда. Ҳакамлик судининг ажрими**

Ҳакамлик суди низонинг мазмунига дахл қилмайдиган масалалар юзасидан ажрим чиқаради.

Ҳакамлик судининг ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

#### **44-модда. Ҳакамлик муҳокамасини тугатиш**

Ҳакамлик суди қўйидаги ҳолларда ҳакамлик муҳокамасини тугатади:  
ҳакамлик суди ўз ҳал қилувига топширилган низони кўриб чиқиш учун ҳакамлик суди ваколатга эга эмаслиги тўғрисида ажрим чиқарса;

даъвогар ўзининг даъво талабидан воз кечса ва жавобгар ҳакамлик муҳокамасини тугатишга қарши эътироз билдирмаса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида келишувга эришса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари келишув битими тузса ва у ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан тасдиқланса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлган юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилган бўлса;

ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлган жисмоний шахс вафот этган бўлса ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса ёхуд бедарак йўқолган деб топилган бўлса ва ҳуқуқий ворисдан ҳакамлик муҳокамасини давом эттириш тўғрисида ариза тушмаса;

айни бир ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича келиб чиққан низо юзасидан ваколатли суднинг ёки ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган асос бўйича тугатилган ҳакамлик муҳокамасига доир низо тугатилган ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири томонидан ваколатли судга топширилиши мумкин.

#### **45-модда. Низоларга доир ишларнинг сақланиши**

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судида кўрилган ишлар, агар доимий

фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларида узоқроқ муддат белгиланмаган бўлса, мазкур ҳакамлик судида уч йил мобайнида сақланади.

Муваққат ҳакамлик суди томонидан кўрилган иш ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин бир ой муддат ичида ваколатли судга сақлаш учун юборилади.

#### **7-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш**

##### **46-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан ваколатли судда низолашиш**

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ваколатли судга ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб ариза бериш йўли билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш ваколатли суд томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

##### **47-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари**

Ваколатли суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидаги ҳолатларни исботловчи далилларни тақдим этса, ваколатли суд томонидан бекор қилиниши керак:

ҳакамлик битимининг қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмаслигини;

ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ушбу Қонун 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси ушбу Қонуннинг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик судининг мажлиси бўладиган вақт ва жой ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим этолмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунларга мувофиқ ҳакам-

лик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ваколатли суд томонидан бекор қилиниши керак.

**48-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш оқибатлари**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ваколатли суд томонидан бекор қилинган тақдирда, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишга ҳақли.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёхуд ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги оқибатида ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тўхтам мавжудлиги ёинки низо ҳакамлик муҳокамаси предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, мазкур низо бундан буён ҳакамлик судида кўриб чиқилиши мумкин эмас.

**8-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ижро этиш**

**49-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур ҳал қилув қарорида белгиланган тартибда ва муддатларда ихтиёрий ижро этилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, у дарҳол ижро этилиши керак.

**50-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш**

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаган бўлса, у мажбурий ижро этилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ваколатли суд берган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

**51-модда. Ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза**

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф томонидан ваколатли судга берилади.

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланиши керак;

ушбу Қонуннинг 12 ва 13-моддалари қоидаларига мувофиқ тузилган ҳакамлик битими нусхаси;

белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини, шунингдек ариза нусхаси ҳакамлик муҳокамасининг бошқа иштирокчиларига топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат ваколатли суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтказиб юборилган ёки зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолда топширилган ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ваколатли суд томонидан кўриб чиқилмасдан қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади, мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

**52-модда. Ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани ваколатли суд судьяси якка тартибда, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқади. Ҳакамлик муҳокамаси тарафлари мазкур аризани кўриб чиқиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ёки улар вакилларининг ваколатли суд мажлисига келмаганлиги аризани кўриб чиқишга монелик қилмайди.

Ваколатли суд ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ижро варақаси бериш ҳақида ёки ижро варақаси беришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ваколатли суднинг ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши лозим.

Ваколатли суднинг ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёхуд ижро варақаси беришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

**53-модда. Ижро варақаси беришни рад этиш асослари**

Ваколатли суд ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Ваколатли суд ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисида ушбу Қонуннинг 47-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ажрим чиқаради.

Ваколатли суд ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарган тақдирда, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ҳакамлик битимиға мувофиқ ҳакамлик судига ёхуд тааллуқлилиқ ва судловға тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда ваколатли судға янгитдан мурожаат этишға ҳақлидир, ушбу Қонун 48-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**54-модда. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси**

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори у бекор қилинган пайтға келиб ижро этилган бўлса, ҳакамлик судининг бекор қилинган ҳал қилув қарорига мувофиқ жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундирилган нарсаларнинг ҳаммаси жавобгарға қайтариб берилади.

**9-боб. Яқунловчи қоидалар****55-модда. Низоларнинг ҳал этилиши**

Ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**56-модда. Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**57-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1963 йил 23 мартда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Гражданлик процессуал кодексининг 3-сонли иловасини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Ўзбекистон Республикасининг 1963 йил 23 мартда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Гражданлик процессуал кодексининг 3-сонли иловаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1963 йил, № 9, 31-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**58-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

— ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

— давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради.

**59-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун 2007 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 16 октябрь,  
ЎРҚ-64-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **417 Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сон ва «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Давлат корхоналари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Акциялар (улушлар) давлат пакетларини ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

икки ой муддатда Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Республика бизнес-мактабида корхоналарнинг стратегик режалаштириш, молия менежменти, сотиш бозорини сегментлаштириш масалалари ва бошқа йўналишлар бўйича ўрта ва юқори бўғин менежерларини, шунингдек корхоналарнинг ички аудити хизматлари ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув-амалий дастурни жорий этсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат корхоналари ва муассасаларини ҳисобга олиш ва уларнинг реестрини юритиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарорнинг асосий коидалари бўйича кенг тушунтириш ишларини ташкил қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда) 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2006 йил 16 октябрь,  
215-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## Давлат корхоналари тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат корхонасининг ҳуқуқий мақомини, давлат корхонасини, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти хусусиятларини, муассиснинг, ижро этувчи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, давлат корхонаси билан унинг муассиси ўртасидаги мулкӣ муносабатларни белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**давлат корхонаси** — давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига биркирилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи — муассиснинг) топшириқларига ҳамда эғалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади;

**давлат корхонасининг муассиси** (кейинги ўринларда муассис деб аталади) — давлат бошқарув органи, ушбу органлар мақомини белгилайдиган ҳужжатларга мувофиқ белгиланган уларнинг ваколати доирасида давлат корхонасини таъсис этишга вакил қилинган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

3. Давлат корхонаси алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади. Давлат корхонасининг фирма номида «давлат корхонаси» сўзлари бўлиши керак.

Давлат корхонаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

4. Давлат корхонаси муассис розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

Давлат корхонаси давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган давлат корхонаси фаолиятнинг лицензияланадиган турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузиладиган лицензия битими асосида амалга оширади.

## II. Давлат корхонасини таъсис этиш хусусиятлари

6. Қуйидагиларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

давлат бошқаруви органининг;

махаллий давлат ҳокимияти органининг қарорлари давлат корхонасини таъсис этиш учун асос ҳисобланади.

7. Давлат корхонаси, агар уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

8. Муассис томонидан тасдиқланган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат органларида рўйхатга олинган устав давлат корхонасининг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

9. Давлат корхонаси уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

фирма номи, жойлашган жойи (почта манзили);

фаолиятининг предмети ва мақсади;

давлат корхонаси фаолиятини бошқариш тартиби;

устав фондининг миқдори, уни шакллантириш тартиби ва манбалари;

устав фондини кўпайтириш ва камайитириш тартиби;

ушбу Низомнинг 17-бандига мувофиқ мулкни тасарруф этиш шартлари;

даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби;

раҳбарнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

давлат корхонасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Жамият уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар бўлиши мумкин.

10. Давлат бошқаруви органлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таъсис этилган давлат корхоналари давлат рўйхатидан ўтказилгандан, тегишли кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилгандан кейин бир ҳафта муддатда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармасига:

давлат корхонаси ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг;

корхонанинг рўйхатдан ўтказилган устави нусхасини тақдим этадилар.

Кўрсатиб ўтилган корхоналар устав фондини шакллантириш тугагандан кейин бир ҳафта муддатда тегишли равишда Давлат мулки қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига давлат мулкни топшириш — қабул қилиб олиш ҳужжатлари нусхаларини ҳам тақдим этадилар.

11. Давлат корхонаси уставига ўзгартиришлар муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

Давлат корхонаси уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда бу тўғрида тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини ёки унинг ҳудудий бошқармасини хабардор қилиши шарт.

### III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Муассис қонун ҳужжатларида белгаланган тартибда қўйидаги ҳуқуқларга эга;

давлат корхонаси фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;  
ўзи таъсис этган давлат корхонаси уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

давлат корхонаси раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

давлат корхонасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

давлат корхонаси мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга муурожаат қилиш;

давлат корхонасининг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига давлат корхонасини хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

давлат корхонасига етказилган зарарларни ундириш тўғрисида давлат корхонаси раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш;

корхона уставига мувофиқ корхонага ўзи берган мулкдан фойдаланишдан тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш.

13. Муассис қўйидагиларга мажбур:

давлат корхонаси раҳбарини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг билан меҳнат шартномаси тузиш;

давлат корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида корхонанинг устав фондиди унга давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш учун бериш йўли билан шакллантириш;

ҳар йили корхонанинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитиш;

давлат корхонасининг ижро этувчи органига ушбу Низомнинг 17-бандига мувофиқ мулкни тасарруф этиш учун рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишиш;

корхонага берилган давлат мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

### IV. Давлат корхонасининг мулки

14. Давлат корхонасининг мулки:

муассис томонидан давлат корхонасига тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

давлат корхонасининг ўз фаолиятдан олинган даромадлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Давлат корхонаси мулкнинг қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилади.

15. Ташкил этилган давлат корхонасида давлат мулкни тезкор бошқариш ҳуқуқи топшириш — қабул қилиб олиш далолатномаси корхона раҳбари ва муассис томонидан имзоланган вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

16. Давлат корхонаси мулки бўлинмас мулк ҳисобанади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан давлат корхонаси ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

17. Давлат корхонаси мулкани тасарруф этиш қўйидаги ҳолларда давлат корхонасининг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги давлат корхонасига тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

#### **V. Давлат корхонаси раҳбарининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

18. Давлат корхонаси раҳбари давлат корхонасининг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, давлат корхонаси номидан битишувларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шарт—номаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

Давлат корхонаси ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорлари раҳбар томонидан муассис билан келишган ҳолда тасдиқланади.

19. Давлат корхонаси раҳбари муассис олдида корхона уставида белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

20. Давлат корхонасининг раҳбари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда давлат корхонаси манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда давлат корхонасига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

#### **VI. Давлат корхонасининг филиаллари ва ваколатхоналари**

21. Давлат корхонаси муассис билан келишув бўйича, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

Филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафта муддатда давлат корхонаси бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини (унинг ҳудудий бошқармасини) хабардор қилиши шарт.

22. Давлат корхонасининг филиаллари ва ваколатхоналари уларни ташкил этган давлат корхонаси номидан, давлат корхонаси томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган давлат корхонаси мулкига эга бўлади.

23. Давлат корхонаси филиали ёки ваколатхонаси раҳбари давлат корхонаси-

нинг раҳбари томонидан муассис билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома давлат корхонаси раҳбари томонидан бекор қилиниши керак.

### **VII. Давлат корхонасининг фойдаси**

24. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин давлат корхонасида қоладиган соф фойда корхона ихтиёрида қолади ҳамда ундан муассис қарорига кўра фойдаланилади.

25. Давлат корхонаси ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига корхона уставида назарда тутилган тартибда ва муассис томонидан тасдиқланадиган миқдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

### **VIII. Давлат корхонасининг жавобгарлиги**

26. Давлат корхонаси ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис корхона мулки етарли бўлмаганда давлат корхонаси мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

27. Давлат корхонаси муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

28. Давлат корхонасининг филиали ва ваколатхонаси мажбуриятлари бўйича уларни ташкил этган давлат корхонаси жавоб беради.

### **IX. Давлат корхонаси фаолиятини назорат қилиш**

29. Давлат корхонаси ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

30. Давлат корхонаси фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

### **X. Давлат корхонасини қайта ташкил этиш ва тугатиш**

31. Давлат корхонаси муассис қарорига кўра, тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарорига мувофиқ активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари тижорат банкларига ва бюджет ташкилотларига татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низом мақсадлари учун қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**ички аудит** — корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ақс этирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти;

**ички аудит хизмати** — мазкур Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда корхона Кузатувчи кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси.

### II. Ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари

3. Қўйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади: кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

4. Қўйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

ҳар йили корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили яқунлари бўйича);

тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда корхонанинг кузатувчи кенгашига кўмаклашиш.

### III. Ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича корхонанинг ҳужжатларини (рахбарнинг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), корхона мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

ички аудитни ўтказишга кўмаклашиш учун корхонанинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

Ички аудит хизмати қуйидагиларга мажбур:

ички аудитни амалга оширишда мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

мазкур Низомнинг 13—18-бандларида белгиланган талабларга мувофиқ ҳисоботлар тузиш;

молия ва статистика ҳисоботи кўрсаткичларининг ишончлилигини текшириш;

ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

корхонага унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда дарҳол корхонанинг кузатувчи кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни қайд этиш;

активларни хатловдан ўтказишда ва қонунда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш.

Ички аудит хизмати қонун ҳужжатларига ва корхонанинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### IV. Ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар

6. Ички аудит хизмати ходимлари қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида, ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат муассасасида олинган олий маълумотга, охириги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий иш стажига (шу жумладан ўриндошлик бўйича) эга бўлиш.

7. Ички аудит хизмати ходимлари сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва унинг вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак.

Ички аудит хизмати штатида қуйидагилар бўлиши керак:

активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмгачани ташкил этадиган корхоналарда — камида икки нафар сертификацияланган аудитор;

активларининг баланс қиймати 10 млрд. сўмдан 50 млрд. сўмгачани ташкил этадиган корхоналарда — камида уч нафар сертификацияланган аудитор;

активларининг баланс қиймати 50 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этадиган корхоналарда — камида тўрт нафар сертификацияланган аудитор.

8. Ички аудит хизматига тегишли аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қилади.

Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун корхонанинг кузатувчи кенгашига тақдим этади.

9. Ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазамлилик асосида уларнинг малакасини ошириш воситасида сақланиши керак.

10. Ички аудит хизмати ходимлари корхона кузатувчи кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиши керак.

#### **V. Ички аудит хизматининг мустақиллиги**

11. Қўйидагилар ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари ҳисобланади:

ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, корхона кузатувчи кенгашининг қарорлари бўйича уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш;  
корхона кузатувчи кенгашига бевосита бўйсунуш.

#### **VI. Ички аудит ўтказишга ва уни ўтказиш натижалари бўйича йўл ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар**

12. Ички аудит:

тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;  
корпортив бошқариш принципларига риоя қилинишини;  
бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;  
солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

активларнинг ҳолатини;

ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Кузатувчи кенгаш томонидан корхона ихтисосидан келиб чиқиб қонун ҳужжатларига мувофиқ текширишни ўтказишнинг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин.

13. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

а) бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;

унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни;

б) корпоратив бошқариш принципларига риоя қилишни текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

корхона бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг қатнашчилари (муассислар)нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;

корпоратив бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва корхона бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);

в) корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш;

д) молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда корхона томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

корхона томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

ички аудит давомида аниқланган корхона томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига номувофиқлигини баён қилиш;

е) ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;

корхона таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни хатловдан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда корхона ижро этувчи органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши керак.

14. Ўтказилган ички аудит яқунлари бўйича, мазкур Низомнинг 12 ва 13-бандларига мувофиқ, ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади.

15. Йиғма ҳисобот:

таҳлилий қисмни;

якуний қисмни;

тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши керак.

16. Ёиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми мазкур Низомнинг 12 ва 13-бандларига мувофиқ, ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.

17. Ҳисоботнинг якуний қисми:

корхонанинг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони;

аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олиши керак.

18. Ёиғма ҳисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун мобайнида тугалланиши зарур.

19. Ёиғма ҳисоботлар бевосита корхонанинг кузатувчи кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаши учун тақдим этилиши керак. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин корхона ижро этувчи органига тақдим этилиши керак.

20. Корхонанинг ижро этувчи органи ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

21. Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек умуман корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

+

## VII. Ички аудит хизматининг жавобгарлиги

-

22. Ички аудит хизмати ходимлари:

ўзлари ўтказган текширишлар натижалари бузиб кўрсатилганлиги;

уларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган корхонанинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг махфийлигига риоя қилинмаганлиги;

олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилиши таъминланиши учун жавоб берадилар.

23. Ички аудит хизмати аудиторлик текширишлари давомида аниқланган қонунни бузишларни бартараф этиш ва корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун жавоб беради.

24. Корхонанинг кузатувчи кенгаши ҳар чоракда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартибини белгилайди.

Акциядорлик жамиятларининг давлатга тегишли акциялари пакетлари, бошқа хўжалик жамиятларининг улушлари (кейинги ўринларда давлат активлари деб аталади) давлат манфаатларини таъминлаш учун мазкур Низомга мувофиқ белгиланган юридик ва жисмоний шахсларга — ишончли бошқарувчиларга ишончли бошқарувга берилади.

2. Ишончли бошқарувга берилиши керак бўлган давлат активлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари билан бириктирилмаслиги ёхуд исталган бошқа шаклда бегоналаштирилиши мумкин эмас.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

Акциядорлик жамиятлари ва компаниялардаги давлатга тегишли акциялар улушларидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича комиссиянинг;

мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қарорлари давлат активларини ишончли бошқарувга бериш учун асос ҳисобланади.

### **II. Давлат активларини ишончли бошқарувга бериш тартиботи**

4. Давлат активлари ишончли бошқарувчиларга:

ваколатли орган томонидан берилган тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахсларга — профессионал бошқарувчи компанияларга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда — давлат ва хўжалик бошқаруви органларига;

қонунда белгиланган тартибда тайинланган, менежмент ва маркетинг соҳасида зарур касб кўникмаси ва иш тажрибасига эга бўлган жисмоний шахсларга — давлатнинг ишончли вакилларига ишончли бошқарувга берилиши мумкин.

5. Давлат активларини профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга бериш танлов асосида амалга оширилади. Танловларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланади.

6. Давлат активларини ишончли бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан кўрсатиб ўтилган ҳуқуқни мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ олган шахс ўртасида тузиладиган мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича шартнома билан ишончли бошқарувга берилади.

Ишончли бошқарувчи — юридик шахс хўжалик жамиятида давлат активларини бошқариш бўйича ўзининг ваколатли вакилини тайинлайди.

7. Ишончли бошқариш шартномаси уни узайтириш имконияти билан бирга бир йил муддатга тузилади ва қуйидагиларни назарда тутиши керак:

томонларнинг номи;

шартнома мавзуси, давлат активлари рўйхати ва тавсифи;

шартноманинг амал қилиш муддати ва уни узайтириш имконияти;

давлатга тегишли акциялар пакетларини бериш тартиби;

мазкур Низомнинг III ва IV бўлимларига мувофиқ томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ишончли бошқарувчилар томонидан ҳисоботлар тақдим этилиши муддатлари;

ишончли бошқарувга берилган акцияларни бегоналаштириш шартлари;

ишончли бошқарувчини тақдирлаш миқдори ва шакли;

ишончли бошқарув тўхатилган тақдирда давлат активларини оладиган шахс;

томонларнинг жавобгарлиги;

шартнома амал қилишини тўхтатиш учун асослар ва шартлар;

бошқарувчи компания фаолиятига қўйиладиган чеклашлар;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар.

8. Ишончли бошқарувчига - юридик шахсга ишончли бошқарувга берилган давлат активлари қиймати номинал қиймати бўйича унинг балансдан ташқари ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

9. Давлат мулки қўмитаси давлатга тегишли акциялар пакетлари ишончли бошқарувга берилишига шартнома тузилган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечикмай бу ҳақда Давлат қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини хабардор қилади.

10. Давлат қимматли қоғозлар марказий депозитарийси уч кун муддатда:

ишончли бошқарувга берилган давлатга тегишли акциялар пакетлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг «депо» ҳисоб рақамида ишончли бошқариш ҳуқуқини олган шахснинг субҳисоб рақамига ўтказилишини;

унинг ишончли бошқарув ҳуқуқини олган шахс томонидан тасарруф этилиши имкониятини истисно этадиган кўрсатиб ўтилган акциялар пакетларини блокировка қилишни амалга оширади.

Ишончли бошқарувга берилган давлатга тегишли акциялар пакетларини сақлаш ва уларнинг «депо» ҳисоб рақамига ўтказилиши бўйича Давлат қимматли қоғозлар марказий депозитарий хизматларига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлардан ҳақ тўланади.

### **III. Ишончли бошқарувчининг мақоми, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

11. Давлат активларини ишончли бошқарувчи (агар юридик шахс — унинг вакили бўлса) ҳўжалик жамияти кузатувчи кенгашининг аъзоси ҳисобланади (агар кузатувчи кенгашни ташкил этиш қонун ҳужжатларида ёки уставда назарда тутилган бўлса), ҳўжалик жамияти қатнашчиларининг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).

12. Ишончли бошқарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва тузилган ишончли бошқарув шартномаси шартларига мувофиқ ишончли бошқарувга олинган давлат активларига нисбатан барча юридик ва амалий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, бегоналаштириш ва ундан гаров сифатида фойдаланиш бундан мустасно;

тузилган шартнома шартларига ва унга ишончли бошқарувга берилган давлат активлари миқдорига мувофиқ кузатувчи кенгаш аъзоси ва жамият қатнашчиси сифатида ўзининг барча ваколатларидан фойдаланиш;

шартнома шартларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдирланиш.

13. Ишончли бошқарувчи ҳўжалик жамиятининг ижро этувчи органи томонидан амалга ошириладиган жорий фаолиятга аралашишга ҳақли эмас.

14. Ишончли бошқарувчи қўйидагиларга мажбур:

Давлат активларининг ишончли бошқаруви шартномаси бўйича фойда олувчи ҳисобланган давлатнинг манфаатларини ифодалаш;

ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойда ҳажмини кўпайтириш ва уни тақсимлашда давлатнинг манфаатларига риоя қилиш мақсадида давлат активлари миқдори билан бериладиган ҳуқуқлар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

корхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини яхшилашга йўналтирилган ягона стратегияни амалга ошириш ва барча даражалардаги бюджетлар олдида, иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш бўйича унинг томонидан бошқарилаётган корхонанинг қарздорлиги пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

ижро этувчи органнинг фаолияти, унинг томонидан бизнес-режа бажарилиши, жамиятнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат активлари бўйича ҳисобланган дивидендларни бюджетга ўз вақтида тўлаш устидан зарур даражада назорат қилишни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

ҳўжалик жамияти бошқаруви органларига ёки судга мурожаат қилиш йўли билан давлат активларига нисбатан давлатнинг манфаатлари (ҳуқуқлари) бузилиши бартараф этилишини талаб қилиш, давлат манфаатлари бузилишини бартараф этишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун замонавий технология асбоб-ускуналари ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар, иш ҳақи бўйича ҳўжалик жамияти қарздор бўлганда ҳамда корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашган тақдирда жамиятнинг ижро этувчи органини қайта сайлаш мақсадида қатнашчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

давлат активларини ҳеч бир шаклда бегоналаштирмаслик, бошқа шахсларнинг мажбуриятларини бириктирмаслик ва улардан гаров сифатида фойдаланмаслик;

акциядорлар (муассислар)нинг умумий йиғилиши қарори бўйича реконструкция қилишга, техника билан қайта жиҳозлашга, ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини ривожлантиришга ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига йўналтирилган соф фойданинг бир қисмидан мақсадли фойдаланиш устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш;

жамият муассиси (қатнашчиси) бўлган юридик шахсларнинг устав фондларида қатнашиш (таъсис этиш), уларни тугатиш, қайта ташкил этиш бўйича жамиятнинг ниятлари, шунингдек жамиятнинг молия-ҳўжалик ҳолати, бошланиши жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини ёмонлаштириши ва давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган воқеалар тўғрисида Давлат мулки қўмитасини хабардор қилиш;

Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган топшириқлари ва кўрсатмаларини бажариш;

жамиятнинг кузатувчи кенгаши ва қатнашчиларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун киритиладиган масалалар бўйича қонунда белгиланган тартибда овоз бериш сиёсатини Давлат мулки қўмитаси билан келишиш;

унга ишончли бошқарувга берилган акциялар пакетлари бегоналаштирилиши

тўғрисида Давлат мулки қўмитасининг билдиришномаси олинганда икки иш куни мобайнида уни Давлат мулки қўмитасининг «депо» ҳисоб рақамига ўтказиш;

қайта ташкил этиш кунида ўзининг қайта ташкил этилиши факти тўғрисида Давлат мулки қўмитасини хабардор қилиш;

Давлат мулки қўмитаси ҳуқуқий ворис билан ишончли бошқарув шартномасини тузишни рад этган тақдирда давлатга тегишли акциялар пакети икки кун муддатда Давлат мулки қўмитасига қайтарилиши керак;

унга юкланган ваколатларни амалга ошириш чоғида унга маълум бўлган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик ва улардан давлат манфаатларига зид бўлган мақсадларда фойдаланмаслик;

хар чоракда Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда Давлат мулки қўмитасига ҳисобот тақдим этиш;

15. Ишончли бошқарувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишмасдан хўжалик жамиятининг бошқарув органларида бошқа қатнашчиларнинг вакили бўлиши мумкин эмас.

#### **IV. Давлат мулки қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қуйидаги ҳуқуқларга эга: амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда давлат активи ишончли бошқарувга берилган корхона фаолияти тўғрисида ишончли бошқарувчидан маълумотлар ва ҳисоботлар олиш;

ишончли бошқарувчига шартнома шартларини бажариш, фойда олувчи — давлат учун нохуш оқибатларни бартараф этиш, шунингдек агар ишончли бошқарувчи ёки унинг ишончли вакили томонидан ушбу зарарлар енгиб бўлмайдиган куч оқибатида юз берганлиги исбот қилинмаса, шартнома шартлари бузилган тақдирда моддий зарар ва бой берилган фойда қопланиши бўйича талаблар қўйиш.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қуйидагиларга мажбур: ишончли бошқариш шартномаси зарур даражада бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш;

учинчи шахсларнинг мажбуриятлари бириктирилмаган ва исталган бошқа усул билан бегоналаштирилмаган (доимий равишда ёки вақтинча) давлат активини ишончли бошқарувга бериш;

давлат мулкини бошқариш бўйича Давлат мулки қўмитасига берилган ҳуқуқларга мувофиқ ишончли бошқарувчи фаолиятига кўмаклашиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда овоз бериш сиёсати бўйича ишончли бошқарувчига кўрсатмалар бериш;

ишончли бошқариш шартномасига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишончли бошқарувчига мукофот тўлаш;

давлат активларини бегоналаштириш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинганлиги тўғрисида (олди-сотди шартномаси тузилганлиги ёки Давлат мулки қўмитасининг давлат активларини бошқа корхонанинг устав фондига бериш тўғрисида буйруғи чиқарилганлиги ҳақида) ишончли бошқарувчини бундай қарор қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда хабардор қилиш.

#### **V. Ишончли бошқарувчи фаолиятини тақдирлаш**

18. Ишончли бошқарувчи фаолиятини тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси

Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ амалга оширилади.

19. Ишончли бошқарувчи ўзи кузатувчи кенгаши аъзоси бўлган жамият маблағлари ҳисобига қўшимча равишда тақдирланиши мумкин. Ушбу ҳолатда тақдирлаш миқдори жамиятнинг ички норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

## VI. Томонларнинг жавобгарлиги

20. Ишончли бошқарувчи:

ўзига ишониб топширилган активларнинг сақланиши;

агар ушбу зарарлар енгиб бўлмайдиган куч ёхуд Давлат мулки қўмитасининг хатти-ҳаракатлари оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобот ва ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ишончлилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

21. Давлат активларини ишончли бошқаришда давлатнинг манфаатлари тўғрисида зарур тарзда ғамхўрлик қилмаган ишончли бошқарувчи давлат активларини ишончли бошқариш вақтида етказилган зарар ва бой берилган фойдани қонунда белгиланган тартибда давлатга тўлайди.

22. Ишончли бошқарувчи (унинг раҳбари) ва Давлат мулки қўмитаси ўз мажбуриятлари зарур тарзда бажарилмаганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қўйидаги шаклларда жавоб беради:

ишончли бошқариш шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш;

ўзларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган зарарни қоплаш (компенсация қилиш) (суд қарорига қўра);

шартнома интизоми бузилганлиги учун ишончли бошқарувчи ва Давлат мулки қўмитаси мансабдор шахсларининг жавобгарлиги;

жавобгарликнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шакллари.

## VII. Ишончли бошқариш ҳуқуқини тўхтатиш

23. Ишончли бошқарувчи билан тузилган шартнома қўйидаги ҳолатлар бошланганда тўхтатилиши мумкин:

а) томонлардан бирининг:

шартнома муддати тамом бўлиши;

бошқа томон ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки зарур тарзда бажармаслиги;

жамият ёки ишончли бошқарувчининг қайта ташкил этилиши, тугатилиши, банкрот деб эътироф этилиши;

давлатнинг шартнома бўйича фойда олишни рад этиши, шунингдек ишончли бошқарувчи томонидан ишончли бошқарувни амалга ошириш мумкин эмаслиги сабаби билан ишончли бошқарувчининг бошқаришнинг амалга оширишни рад этиши муносабати билан шартномани тўхтатиш тўғрисида сабаблари асосланган аризаси. Шартнома ариза тақдим этилган пайтдан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин бекор қилинган деб ҳисобланади.

б) давлат активларини бегоналаштириш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилиниши. Ушбу ҳолатда шартнома, шу жумладан:

акциялар пакетларини бошқаришда — давлатга тегишли акциялар пакети Давлат мулки қўмитасининг олди-сотди шартномаси тузилганлиги тўғрисидаги билдиришномасига мувофиқ ишончли бошқарувчининг «депо» субҳисоб рақамидан Давлат мулки қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилган пайтдан бошлаб, Давлат мулки қўмитасининг акциялар пакети (ёки унинг бир қисми) устав фондига берилиши тўғрисида буйруғи чиққан пайтдан бошлаб;

улушларни бошқаришда — Давлат мулки қўмитаси томонидан ишончли бошқарувчи олди-сотди шартномаси тузилганлиги, улуш (ёки унинг бир қисми) устав фондига берилганлиги ҳақида Давлат мулки қўмитасининг буйруғи чиққанлиги тўғрисида хабардор қилинган пайтдан бошлаб:

ишончли бошқарувчи фуқаро вафот этган, у ҳуқуқий лаёқатсиз, ҳуқуқий лаёқати чекланган ёки дом-дараксиз кетган деб эътироф этилган тақдирда бекор қилинган деб ҳисобланади.

Ишончли бошқарувчи билан тузилган шартнома қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича бекор қилиниши мумкин.

24. Ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиши тўхтагандан кейин давлат активларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлатга тегишли акциялар пакетларини  
(улушларни) ишончли бошқарувга бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

+

-

### ишончли бошқаришнинг

давлат активлари (акциялар пакети ёки улушлар)ни

## НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ ш.

«Фойда олувчи» ҳисобланган давлатнинг манфаатларини ифодалайдиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси номидан иш кўрувчи, кейинги ўринларда «Давлат мулки қўмитаси» деб аталадиган, Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисидаги низом асосида ваколат берилган \_\_\_\_\_нинг раиси ўринбосари бир томондан ва устав асосида ваколат берилган \_\_\_\_\_ раҳбари (юримдик шахслар учун)

лавозими, Ф.И.О.

номидан иш кўрувчи, кейинги ўринларда «Ишончли бошқарувчи» деб аталадиган

юримдик шахснинг номи (жисмоний шахс — давлатнинг ишончли вакилининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан, \_\_\_\_\_нинг

(Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланиш устидан мониторинг олиб бориш бўйича комиссиянинг ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ҳайъатининг)

\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_сон қарори асосида ушбу шартномани (кейинги ўринларда матнда «Шартнома» деб аталади) туздилар.

## I. Шартнома мавзуси

1. Давлат мулки қўмитаси мазкур Шартноманинг 2-бандига мувофиқ учинчи шахсларнинг мажбуриятлари юкланмаган ёки исталган бошқа усул билан бегона-лаштирилмаган (доимий равишда ёки вақтинча) давлатга тегишли \_\_\_\_\_ни  
(акциялар пакети ёки улуш)

Ишончли бошқарувчига ишончли бошқарувга беради. Ишончли бошқарувчи эса қонун ҳужжатларида ва мазкур Шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида Фойда олувчи манфаатларини кўзлаб \_\_\_\_\_ ни ишончли бошқаришни  
(акциялар пакети ёки улуш)

амалга оширади.

2. Ишончли бошқаришга бериладиган давлатга тегишли \_\_\_\_\_ тавсифи:  
(акциялар пакети ёки улуш)

Корхона: \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда Жамият деб аталади)  
(корхонанинг номи)

Давлатга тегишли \_\_\_\_\_ микдори, устав фондининг \_\_\_фоизи.  
(акциялар пакети ёки улуш)

Жами акциялар сони\* \_\_\_\_\_та.

Акциянинг номинал қиймати\* \_\_\_\_\_сўм.

Бошқа тавсифлар \_\_\_\_\_.

## II. Шартноманинг амал қилиш муддати

3. Мазкур Шартнома тузилган санадан бошлаб кучга киради. Шартноманинг амал қилиш муддати — узайтириш ҳуқуқи билан 1 йил.

4. Шартноманинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин уни тўхтатиш тўғрисида томонлардан бирининг аризаси мавжуд бўлмаган тақдирда, у мазкур Шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган деб ҳисобланади.

## III. Давлатга тегишли \_\_\_\_\_ ни ишончли бошқарувга бериш тартиби (акциялар пакети ёки улуш)

5. Давлатга тегишли акциялар пакетини бериш мазкур Шартнома тузилган пайтдан бошлаб уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг топшириғи бўйича акцияларни Ишончли бошқарувчининг «депо» ҳисоб рақамига ўтказиш орқали амалга оширилади

(акциялар пакетларини ишончли бошқарувга бериш ҳоллари учун)

Мазкур Шартнома давлат улуши Ишончли бошқарувчига ишончли бошқарувга ҳақиқатда берилганлигининг тасдиғи ҳисобланади

(улушларни ишончли бошқарувга бериш ҳоллари учун)

6. Мазкур Шартномага мувофиқ Давлат мулки қўмитаси Жамият бошқарув органларида давлат манфаатларини ифодалаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради, ишончли бошқарувчи эса қабул қилиб олади

(акциялар пакетларини ишончли бошқарувга бериш ҳоллари учун — Давлат мулки қўмитаси томонидан акциялар пакети Давлат мулки қўмитасининг «депо» ҳисоб рақамидаги Ишончли бошқарувчининг субҳисоб рақамига ўтказилган пайтдан бошлаб, улушларни ишончли бошқарувга бериш ҳоллари учун — мазкур Шартнома тузилган пайтдан бошлаб).

**IV. Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

7. Ишончли бошқарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва мазкур Шартнома шартларига мувофиқ ишончли бошқариш учун олинган давлатга тегишли \_\_\_\_\_ га  
(акциялар пакети ёки улуш)

нисбатан барча юридик ва амалий ҳаракатларни амалга ошириш, бегоналаштириш ва ундан гаров сифатида фойдаланиш бундан мустасно;

унга ишончли бошқарувга берилган \_\_\_\_\_ га мувофиқ  
(акциялар пакети ёки улуш)

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси ва қатнашчиси сифатида ўзининг барча ваколатларидан фойдаланиш;

мазкур Шартнома шартларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдирланиш.

8. Ишончли бошқарувчи қуйидагиларга мажбур:

мазкур давлатга тегишли \_\_\_\_\_ ни ишончли бошқариш  
(акциялар пакети ёки улуш)

шартномасига мувофиқ Жамиятда Фойда олувчининг манфаатларини ифодалаш;

ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойда ҳажмини кўпайтириш ва уни тақсимлашда давлатнинг манфаатларига риоя қилган ҳолда давлатга тегишли \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ миқдори билан бериладиган ҳуқуқлар доирасида ва амалдаги  
(акциялар пакети ёки улуш)

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаракатларни амалга ошириш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга ва барча даражадаги бюджетлар, иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича унинг қарздорлиги пайдо бўлишига йўл қўймасликка йўналтирилган ягона стратегияни амалга ошириш;

ижро этувчи органнинг фаолияти устидан зарур назоратни таъминлаш, унинг томонидан бизнес-режа параметрлари бажарилиши, Жамиятнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлатга тегишли \_\_\_\_\_ бўйича ҳисоб-

(акциялар пакети ёки улуш)

ланган дивидендларни бюджетга ўз (акциялар пакети ёки улуш) вақтида тўлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

давлатга тегишли \_\_\_\_\_ га нисбатан давлатнинг  
(акциялар пакети ёки улуш)

манфаатлари (ҳуқуқлари) бузилишини бартараф этишни талаб қилиш, Жамиятни бошқарув органларига ёки судга мурожаат қилиш йўли билан давлатнинг манфаатлари бузилишини бартараф этишга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш;

маҳсулотнинг турлари кенгайишига ва сифати яхшиланишига кўмаклашиш;

рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни замонавий технология асбоб-ускуналари ва технологиялар асосида реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича Жамиятнинг қарздорлиги пайдо бўлганда, шунингдек корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолати ёмонлашган тақдирда Жамиятнинг ижро этувчи органини қайта сайлаш мақсадида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

давлатга тегишли \_\_\_\_\_ ни ҳеч бир шаклда  
(акциялар пакети ёки улуш)

бегоналаштирмаслик, унга бошқа шахсларнинг мажбуриятларини юкламаслик ва ундан гаров сифатида фойдаланмаслик;

акциядорлар (муассислар) умумий йиғилишининг қарори билан реконструкция қилишга, техника билан қайта жиҳозлашга, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига йўналтирилган соф фойданинг бир қисмидан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш;

юримдик шахсларнинг устав фондларида қатнашиш (таъсис этиш) бўйича Жамиятнинг ниятлари, Жамият муассиси (қатнашчиси) бўлган юримдик шахсларнинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши, шунингдек Жамиятнинг молия-хўжалик ҳолати, бошланиши Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти ёмонлашишига ва давлат манфаатларига зарар етказилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳодисалар тўғрисида Давлат мулки қўмитасини хабардор қилиш;

Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган топшириқлари ва кўрсатмаларини бажариш;

Жамиятнинг кузатув кенгаши ва қатнашчиларининг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун киритиладиган масалалар бўйича қонунда белгиланган тартибда овоз бериш сиёсатини Давлат мулки қўмитаси билан келишиш;

унга ишончли бошқарувга берилган акциялар пакети бегоналаштирилганлиги тўғрисида Давлат мулки қўмитаси билдиришномаси олингандан кейин икки иш кунида акциялар пакетини Давлат мулки қўмитасининг «депо» ҳисоб рақамига ўтказиш;

ўзининг қайта ташкил этилиши факти тўғрисида қайта ташкил этиш кунида Давлат мулки қўмитасини хабардор қилиш. Давлат мулки қўмитаси ҳуқуқий ворис билан ишончли бошқариш шартномасини тузишни рад этганда давлатга тегишли акциялар пакети икки кун муддатда Давлат мулки қўмитасига қайтарилиши керак;

ўзига юкланган ваколатларни амалга оширишда унга маълум бўлган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик ва улардан давлат манфаатларига зид мақсадларда фойдаланмаслик;

Давлат мулки қўмитаси билан келишмасдан Жамиятнинг бошқарув органларида бошқа акциядорлар (муассислар)нинг манфаатларини ифодаламаслик;

хар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг \_\_\_\_\_ кунидан кечикмай Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган шакл бўйича Давлат мулки қўмитасига ҳисобот тақдим этиш.

## **V. Давлат мулки қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ишончли бошқарувчидан ушбу Шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ва ҳисоботларни олиш;

Ишончли бошқарувчига Шартнома шартларининг бажарилиши, Фойда олувчи учун ноқулай оқибатларни бартараф этиш, шунингдек ушбу Шартноманинг шартлари бузилган тақдирда моддий зарарни ва бой берилган фойдани қоплаш бўйича талаблар қўйиш, агар Ишончли бошқарувчи ёки унинг ишончли вакили томонидан ушбу зарарлар бартараф этиб бўлмайдиган кучлар оқибатида рўй берганлиги исботланмаса.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қуйидагиларга мажбур: ушбу ишончли бошқарув Шартномасининг зарур даражада бажарилиши бўйича мониторингни амалга ошириш;

Ишончли бошқарувчи фаолиятига Давлат мулки қўмитасига Давлат мулкени бошқариш бўйича берилган ҳуқуқларга мувофиқ кўмаклашиш;

Ишончли бошқарувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатмалар юбориш;

Ишончли бошқарувчини ушбу Шартномага мувофиқ ва қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда тақдирлаш;

Ишончли бошқарувчини давлатга тегишли \_\_\_\_\_ ни  
(акциялар пакети ёки улуш)

беғоналаштириш тўғрисида белгиланган тартибда қабул қилинган қарор (олди-сотди шартномаси тузилганлиги ёки давлатга тегишли \_\_\_\_\_ ни  
(акциялар пакети ёки улуш)

бошқа корхона устав фондига бериш тўғрисида Давлат мулки қўмитасининг буйруғи чиқарилганлиги) ҳақида қарор қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда хабардор қилиш.

### VI. Ишончли бошқарувчи фаолиятини тақдирлаш

11. Ишончли бошқарувчи фаолиятини тақдирлаш қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Тартиб асосида амалга оширилади.

12. Ишончли бошқарувчи фаолиятини тақдирлаш куйидаги шаклларда ва миқдорларда амалга оширилади:

13. Тақдирлаш суммасини тўлаш муддатлари: \_\_\_\_\_

### VII. Алоҳида шартлар

14. Ишончли бошқарувчи қайта ташкил этилган тақдирда Шартнома Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қарорига кўра унинг ҳуқуқий вориси билан қайта тузилиши мумкин, бунда ушбу Шартнома бўйича барча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарлик ҳуқуқий ворисга ўтади. Давлат мулки қўмитаси ҳуқуқий ворис билан ишончли бошқариш шартномасини тузишни рад этган тақдирда

\_\_\_\_\_ (давлатга тегишли акциялар пакети Давлат мулки қўмитасининг «депо» ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан 2 кун муддатда қайтарилади)

\_\_\_\_\_ (давлат улуши ушбу Шартнома тўхтатилган вақтдан бошлаб Давлат мулки қўмитасига қайтарилган деб ҳисобланади)

### VIII. Томонларнинг жавобгарлиги

15. Ишончли бошқарувчи:

ўзига ишониб топширилган давлатга тегишли \_\_\_\_\_ нинг  
(акциялар пакети ёки улуш)

сақланиши учун;

унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарлар учун, агар

ушбу зарарлар енгиб бўлмайдиган кучлар ёхуд Давлат мулки қўмитаси ҳаракатлари оқибатида рўй берганлигини исбот қилмаса;

қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилаётган ҳисобот ва ахборотнинг ўз вақтидалиги ва ишончилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

16. Агар Ишончли бошқарувчи давлатга тегишли \_\_\_\_\_ни  
(акциялар пакети ёки улуш)

ишончли бошқаришда Фойда олувчининг манфаатлари тўғрисида зарур даражада қайғурмаса, у Фойда олувчига давлатга тегишли \_\_\_\_\_ни  
(акциялар пакети ёки улуш)

ишончли бошқариш давридаги зарарларни ва бой берилган фойдани тўлайди.

17. Ишончли бошқарувчи (унинг раҳбари) ва Давлат мулки қўмитаси ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қўйидаги шаклларда жавоб берадилар:

ишончли бошқариш шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш;

уларнинг нотўғри ҳаракатлари оқибатида етказилган зарарларни қоплаш (компенсация қилиш) (суд қарорига кўра);

Ишончли бошқарувчи ва Давлат мулки қўмитаси мансабдор шахсларини шартнома интизоми бузилганлиги учун жавобгарликка тортиш;

жавобгарликнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шакллари.

18. Ишончли бошқарувчи давлатга тегишли \_\_\_\_\_ни  
(акциялар пакети ёки улуш)

бошқаришда енгиб бўлмайдиган куч ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳаракатлари туфайли Давлат мулки қўмитаси манфаатларига етказилган зарар ёки зиён учун жавоб бермайди (агар бу суд тартибда исботланса).

## IX. Бошқа қоидалар

19. Шартноманинг қўшимча қоидалари томонларнинг келишувига кўра қўйидагиларни ўз ичига олади:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

## X. Шартноманинг амал қилишини тўхтатиш

20. Ишончли бошқарувчи билан тузилган шартнома қўйидаги ҳолатларда тўхтатилиши мумкин:

томонлардан бирининг шартнома муддатининг тугаганлиги, иккинчи томоннинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, Жамиятнинг қайта ташкил этилиши, тугатилиши, Жамиятнинг ёки ишончли бошқарувчининг банкрот деб эътироф этилиши, Фойда олувчининг шартнома бўйича фойда олишни рад этиши, шунингдек ишончли бошқарувчининг унда ишончли бошқаришни амалга ошириш имконияти йўқлиги сабабли бошқаришни амалга оширишдан воз кечиши муносабати билан шартномани тўхтатиш тўғрисидаги асосланган аризаси олинганда. Шартнома ариза тақдим этилган вақтдан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин бекор қилинган ҳисобланади;

Ишончли бошқарувчи ҳисобланган фуқаро вафот этганда, у муомалага лаёқатсиз, муомалага чекланган ҳолда лаёқатли ёки бедарак кетган деб эътироф этилганда;

давлатга тегишли \_\_\_\_\_ бегоналаштирилиши  
(акциялар пакети, улушлар (уларнинг бир қисми))

тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинганда.

Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилинган ҳисобланади:

*(акциялар пакети берилган тақдирда — давлатга тегишли акциялар пакети ишончли бошқарувчининг «депо» ҳисоб рақамидан Давлат мулки қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилган вақтдан бошлаб Давлат мулки қўмитасининг олди-сотди шартномаси тузилганлиги; Давлат мулки қўмитасининг:*

*\_\_\_\_\_ ни устав фондига (акциялар пакети, улушлар (уларнинг бир қисми)) бериши тўғрисидаги буйруғи чиқарилганлиги ҳақидаги билдиришимасига мувофиқ)*

*(улуши берилган тақдирда — Давлат мулки қўмитаси томонидан Ишончли бошқарувчи: олди-сотди шартномаси тузилганлиги; Давлат мулки қўмитасининг:*

*\_\_\_\_\_ ни устав фондига бериши (улуши (ёки унинг бир қисми)) тўғрисидаги буйруғи чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қилинган вақтдан бошлаб)*

Ишончли бошқарувчи билан шартнома қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича тўхтатилиши мумкин.

### XI. Низоларни ҳал этиш

21. Низолар пайдо бўлган тақдирда томонлар уларни ўзаро келишув асосида ҳал этиш учун бутун саъй-ҳаракатларни ишга соладилар.

22. Ўзаро келишув бўйича ҳал этилмаган низолар суд тартибида ҳал қилинади.

#### Фойда олувчи:

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
мулки қўмитаси \_\_\_\_\_  
(юридик манзили)

#### Ишончли бошқарувчи:

\_\_\_\_\_ (юридик шахснинг номи (шартномани имзолаган шахснинг Ф.И.О., лавозими), жисмоний шахс — давлат ишончли вакилининг Ф.И.О).

\_\_\_\_\_ (юридик шахс учун — юридик манзили, банк реквизитлари, СТИР, жисмоний шахс — давлат ишончли вакили учун — доимий яшаш жойининг манзили, паспортга оид маълумотлар, СТИР).

\* Акциялар пакетлари ишончли бошқарувга берилганда кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизими-ни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 22 августдаги 361-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 8-сон, 31-модда) 1-бандининг тўртинчи хатбоши, шунингдек қарорга 5-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва давлат мулкани сотишдан давлат бюджетига маблағлар тушишини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 17 декабрдаги 525-сон қарорига 8-илова 8-бандининг «г» кичик банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда) 3-илованинг 25-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 30-модда) 6-илова II бўлимининг 8-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда) 5-илова 3-бандининг «е» кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 25 июндаги 295-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 61-модда) 3-илованинг 1-банди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига  
5-ИЛОВА

### **Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-иловада:

а) илова номидаги ва 2-банддаги «акциядорлик» сўзи «хўжалик» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Давлатнинг ишончли вакили акциядорлар (муассислар, иштирокчилар) умумий йиғилишида давлатнинг ишончли вакили ҳисобланади, акцияларнинг дав-

лат пакети (улуши) миқдорида бериладиган ҳуқуқлар доирасида фаолият кўрсатади»;

в) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Давлатнинг ишончли вакиллари номзодлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекслари билан келишган ҳолда Давлат мулки қўмитаси томонидан киритилади.

Бунда давлатнинг ишончли вакиллари номзодлари етарли даражада иқтисодий билимларга, раҳбарлик ишида ишлаш амалиётига эга бўлган ҳамда тайинлаш ва кўрсатиб ўтилган функцияларни бажариш пайтида таркибига хўжалик жамияти кирадиган компаниялар, корпорациялар, уюшмалар ходимлари бўлмаган жисмоний шахслар, шунингдек профессионал бошқарувчи компаниялар — юридик шахслар орасидан танлаб олинади. Номзодларни танлаб олишда корпоратив бошқарув ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бозори соҳасида қўшимча маълумотга эга бўлган шахсларга устуңлик берилади.

Якка ижро этувчи орган функциясини бажарган ёки кўрсатиб ўтилган юридик шахс банкрот деб эътироф этилган вақтда юридик шахснинг ижро этувчи органи ҳайъати таркибига кирган шахслар давлатнинг ишончли вакили этиб тайинланиши мумкин эмас»;

г) 6-банднинг биринчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тайинланган давлат ишончли вакили билан акцияларнинг давлат пакетини (улушини) бошқариш юзасидан тегишли шартнома тузади»;

д) 7-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«акциядор (муассис, иштирокчи) сифатида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик жамиятидаги мол-мулкнинг сақланишини ва ундан оқилона фойдаланилишини таъминлаш»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«акцияларнинг давлат пакети (улуши) бўйича дивидендлардан хўжалик жамиятини реконструкция қилишда ва техника билан қайта жиҳозлаш учун мақсадли фойдаланилишини таъминлаш»;

е) 8-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«жамиятнинг устави ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларнинг давлат пакети (улуши) миқдorigа мувофиқ акциядор (муассис, иштирокчи) сифатида ўзининг барча ваколатларидан фойдаланиш»;

учинчи хатбошидаги «акциядорлик» сўзи «хўжалик» сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Давлатнинг ишончли вакили хўжалик жамиятини бошқаришнинг ижро этувчи органлари томонидан амалга ошириладиган жорий ишлаб чиқариш фаолиятига аралашуш ҳуқуқига эга эмас, уларнинг хатти-ҳаракати қонун ҳужжатларининг бузилишига ва хўжалик жамиятига ҳамда давлатга зарар етказилишига олиб келадиган ҳоллар бундан мустасно»;

з) 10-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«акцияларнинг давлат пакети (улуши) билан бериладиган ваколатларга мувофиқ ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ўз вазифаларининг бажарилишини таъминлаш»;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини ўз фаолияти натижалари ва хўжалик жамиятининг молия-хўжалик аҳволи тўғрисида хабардор қилиш»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«хўжалик жамиятининг бюджетга мажбурий тўловлар, давлат мақсадли жамғармаларига, иш ҳақи бўйича қарзи вужудга келган тақдирда, шунингдек корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий аҳволи ёмонлашганда жамиятнинг Кузатувчи кенгаши таркибини ва ижро этувчи органини қайта сайлаш мақсадида акциядорларнинг (муассисларнинг, иштирокчиларнинг) навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш»;

к) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Давлатнинг ишончли вакили тегишли равишда Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши ус-тидан мониторинг олиб бориш комиссияси ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишувсиз хўжалик жамиятининг бошқарув органларида бошқа акциядорларнинг (муассисларнинг, иштирокчиларнинг) вакили бўлиши мумкин эмас»;

л) 12-банддаги «акциядорлик» сўзи «хўжалик» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 3-илова 9-бандининг ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 418 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига 2007 йил 1 январдан бошлаб ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 18 октябрь,  
217-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 18 октябрдаги 217-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2007 йил 1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомга 1-илова II бўлимнинг номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, видеокўрсатув, видео ва аудиога ёзиш пунктлари, кимошди савдолари, казино, нодавлат органлари томонидан ўтказилган лотерея ўйинлари, оммавий концерт-томоша тадбирлари, шунингдек 1995 йил 1 январгача амалда бўлган солиқ солиш тартибини сақлаб қолган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун солиқ олинмаган базадан чиқарилмайдиган харажатларнинг қўшимча моддалари».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон қарорига иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 70-модда):

а) 2-банднинг олтинчи хатбоши, 5-банднинг «ж» кичик банди, 8-банд, 39-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «ўйин автоматлари залини ташкил этишдан ташқари» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига 6-илова 7-бандининг «в» кичик бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) «пул ютуқли автоматлардан фойдаланишдан» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни бериш тартиби тўғрисида» 2006 йил 30 июндаги 126-сон қарорига 2-илова (Пул маблағлари ва бошқа мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисида маълумотлар)га 1-иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 47-модда) «Таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари заллари ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар» позицияси чиқариб ташлансин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**419 Корхона (объект)ларни сотишдан олдин тайёрлаш  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
14 октябрда 1628-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 24 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–335 сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) асосан ва корхона (объект)лар фаолияти самарадорлигини, уларни кейинчалик стратегик инвесторларга сотиш учун ҳар томонлама тадбиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Корхона (объект)ларни сотишдан олдин тайёрлаш тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кундан бошлаб 10 кун ўтгач кейин кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 27 сентябрь,  
01/23-18/03

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**420** Патент эгасининг очиқ лицензияга доир ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги аризасини топшириш ва кўриб чиқиш ҳамда бундай ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
14 октябрда 1629-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 24 октябрдан кучга киради)*

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. «Патент эгасининг очиқ лицензияга доир ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги аризасини топшириш ва кўриб чиқиш ҳамда бундай ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидалари» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат патент идораси директори А. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 21 сентябрь,  
56-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ  
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**421 Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга  
ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
14 октябрда 660-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 24 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 1 мартда тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга (1999 йил 3 март, рўйхат рақами 660) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 23 августи,  
2006-06-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 422 Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
14 октябрда 1630-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 3 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг Фўқаролик кодекси ва «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ мобил алоқадан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш тартиби ҳамда шартларини, мобил алоқа тармоғи операторлари ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, шунингдек уларнинг жавобгарликларини белгилаш мақсадида, «Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари» ишлаб чиқилди.

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилди.

«Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари»ни жорий қилиш мақсадида,  
**буюраман:**

1. «Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан 20 кун муддат ўтгандан кейин кучга кириши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ҳамда Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида ушбу Қоидаларга қатъий риоя қилишлари белгилаб қўйилсин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 16 август,  
257-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **423** Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари — ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиши учун лавозим, касблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
18 октябрда 1631-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 28 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июлдаги ПҚ-427-сонли «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандини ижро қилиш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Илова\* қилинаётган «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари — ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиши учун лавозим, касблар рўйхати» тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 4 октябрь,  
117-сон

**Иқтисодиёт вазири Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 4 октябрь,  
12-сон

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори А. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 4 октябрь,  
37/ҚҚ-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2006 йил 14 октябрдан 20 октябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Корхона (объект)ларни сотишдан олдин тайёрлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 27 сентябрдаги 01/23-18/03-сонли қарори.*

*2006 йил 14 октябрда 1628-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 октябрдан кучга киради).*

2. «Патент эгасининг очиқ лицензияга доир ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги аризасини топшириш ва кўриб чиқиш ҳамда бундай ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2006 йил 21 сентябрдаги 56-сонли буйруғи.*

*2006 йил 14 октябрда 1629-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 октябрдан кучга киради).*

3. «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 23 августдаги 2006-06-сонли буйруғи.*

*2006 йил 14 октябрда 660-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 октябрдан кучга киради).*

4. «Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2006 йил 16 августдаги 257-сонли буйруғи.*

*2006 йил 14 октябрда 1630-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 ноябрдан кучга киради).*

5. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари — ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиши учун лавозим, касблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2006 йил 4 октябрдаги 117, 12, 37/ҚҚ-сон қарори.*

*2006 йил 18 октябрда 1631-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 октябрдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби». *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 902, 29.02.2000 й.), (рўйхат рақами 902-1, 11.08.2000 й.), (рўйхат рақами 902-2, 24.08.2000 й.), (рўйхат рақами 902-3, 31.01.2003 й.), (рўйхат рақами 902-4, 20.12.2003 й.), (рўйхат рақами 902-5, 06.05.2006 й.).*

**Адлия вазирининг 2006 йил 20 октябрдаги 173-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 903, 29.02.2000 й.), (рўйхат рақами 903-1, 11.08.2000 й.), (рўйхат рақами 903-2, 24.08.2000 й.), (рўйхат рақами 903-3, 10.07.2001 й.), (рўйхат рақами 903-4, 31.01.2003 й.), (рўйхат рақами 903-5, 20.12.2003 й.), (рўйхат рақами 903-6, 16.11.2004 й.), (рўйхат рақами 903-7, 06.05.2006 й.).*

**Адлия вазирининг 2006 йил 20 октябрдаги 174-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**